

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 240 (6.729)

© 1988 йил 20 октябрь, пайшанба

Баҳоси 3 тийим

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

19 октябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлиси бўлиб ўтди. САНИРИИ илмий-ишлов чикариш бирлашмаси партия комитетининг коллектив илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ва илмий ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга сафарбар қилиш соҳасидаги иш тўғрисида масала кўриб чиқилди.

Партия комитети ва бирлашма раҳбарлиги коллективни мелiorация ва сув хўжалигида фан-техника тараққиётини жаддалаштириш вазифаларини ҳал этишга сафарбар қилиш юзасидан муайян ишларни амалга оширишга таъкидланди. Сўнгги икки йил ичида илмий тадқиқот ишлари ҳажми 1,6 баравар, тажриба-конструкторлик ишлари ҳажми 1,4 баравар кўпайди. Бирлашма корхоналарида замонавий мелiorация машиналари, сўғориш техникаси ишлаб чиқариш ташкил этилди. Бундай техникани хўжаликларга етказиб бериш ўтган йилга нисбатан 1,5 баравардан зиёдроқ кўпайди.

Шу билан бирга, партия комитети (секретари ўртоқ А. Аюров)нинг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари даражаси жуда паст эканлиги кўрсатиб ўтилди. Партия комитети илмий тадқиқотлар ва ишланмалар самарадорлигини ошириш ишида тўб бурилишни таъминлай олмайди, коллективда ижодий изланишга, эътиборни катта илмий-техникавий муаммоларни ҳал қилишга, пировад натижаларга эришишга қаратилган вазиятни вужудга келтира олмайди.

Бирлашма фаолиятини қайта қўришда, экология вазиятининг ёмонлашуви, сўғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолати ёмонлашгани билан боғлиқ бўлган, сўнгги йилларда ўткирлашиб кетган муаммоларини ҳал қилишда йўл қўлиб бўлмайдиган даражада сустлашқил қилинмоқда. Сувни тежайдиган технология кенг омаллаштирилмапти. Сўнгги беш йил ичида сувни текаш соҳасидаги тадқиқотларга 8 миллион сўмдан кўпроқ пул сарфланган, бу иш билан 390 ходим шуғулланмоқда, бироқ техник жиҳатдан мукам-

ОШКОРАЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

Ошкораликнинг кенгайтирилиши, фикрлар хилма-хиллиги принципларининг қарор топтирилиши журналистларнинг сиёсий масъулияти масаласини кун тартибидан олиб ташламайди, балки бу маселани янги, янада юксак даражага кўтарди. КПСС Марказий Комитети Бўлим мудирининг уринбосари В. Н. Севарук Тошкентда 19 октябрь кунини бўлиб ўтган матбуот конференциясида жамиятимизни қайта қуриш ва янгилаш шероитида матбуотнинг вазифалари тўғрисида гап борди. Ўзбекистон Журналистлар союзи уюштирган бу уршавда республика газеталари, журналлари, телевидение ва радио, нашриятлари ходимлари иштирок этишди.

В. Н. Севарук КПСС Марказий Комитетининг жамиятини сиёсий ислоҳ қилиш юзасидан амалга ошираётган янги қадамлари тўғрисида сузлаб берди. Сиёсий ислохотини партия ўзидан, ўз аппаратидадан бошлаганлигини таъкидлади. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумида партия органлари структурасига таълуллик муҳим қарорлар қабул қилинди. Бу қарорлар партия ташкилотини ленинча принципларини тиклашга, аппаратини таниш ҳам қаққон, илҳам ва ишга қобилиятли қилишга қаратилган.

Матбуот тўғрисидаги қонунни тейёрлаш қандай бораётганини тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Компартияси Мар-

БИРДАМЛИК МИТИНГИ

19 октябрь кунини Тошкентда Афғонистон халқи билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди. Митингга республика пойтахтида ўқитган афғонистонлик студентлар иштирок этишди.

Иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тобора мустаҳкамлашиб, ривожланиб бормоқда, дейишди сузга чиққан иштирокчи. Ўзбекистон бу дўстликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон ССР областлари ва Афғонистон Республикасининг шимолий вилоятлари ўртасида мустаҳкам алоқалар

йўлга қўйилди. Турли делегациялар юзориб туриш тобора мунтазам тус олмоқда. Оппозициянинг кирдиқорлари, тинч шаҳарлар вахшиёна бомбардирмон қилиниши озодлик, демократия ва тараққиёт йўлини танлаб олган афғон халқини тўхтаста олмайди. Совет кишилари Афғонистонга оид Женева битимлари аниқ бажарилишига оғишмай ҳаракат қилмаётганлар, деб таъкидланди иштирокчилар.

Митингда Афғонистон Республикаси Миллий фронт Марказий кенгашининг вилоятлар билан алоқа бўли-

мал системаларнинг йўқлиги оқибатида республикада сувнинг исроф қилиниши давом этмоқда, сўғоришнинг илгор усуллари барча сўғориладиган майдонларнинг салкам икки процентидagina қўлланилмоқда. Бирлашма ва унинг бўлимчаларида хўжалик ҳисобиди ўттиш, илмий ва иқтисодий ўзаро муносабатларни тақомиллаштириш тадбирлари расмий учунгина амалга оширилмоқда. Асосий тарқоқлик ва бир-бирининг ишларини тақорлаш илмий кучларини энг ақтуал тадқиқотларга қаратишга тўқнашқил қилимоқда, кўп йиллар давомида бутун-бутун лабораторияларнинг фаолияти самара бермай келмоқда.

Партия комитети ўз зиммасига юклатилган сиёсий раҳбарлик вазифасини тўла-тўқис бажармапти, қадрларини танлаш ва тарбиялаш ишига ҳам эътибор бермоқда, қадрларини бир жойдан иккинчи жойга таинлашда дирекция партия ташкилотининг фикрини ҳаммаша ҳам ҳисобга олмайпти. Илмий кучларини бш қадрлар билан тўлдирши масаласи эътибордан четда қолган, бир қанча бўлимчаларда партия таъсири бўлишиб кетган, 10 та лабораторияда бирорта ҳам коммунист йўқ. Партия йиғилишлари самараси кам бўлмоқда. Коммунистларнинг ҳисоботлари ва уларни аттестациядан ўтказиш коммунистлар активлиги кучайишга қўмақлашмапти. КПСС аъзоллигида кандидатлар билан ишлашда камчиликлар жуда кўп.

Марказий Комитет Бюроси партия секретари ўртоқ А. Аюров, бош директор ўртоқ В. А. Духовинини мелiorация ва сув хўжалигида фан-техника тараққиётини ютуқларини жорий этишда ишларини аҳоли қонқарсизлиги учун шахсан жавабгор эканликлари ҳақида оғохлангилди.

Қабул қилинган қарорда партия комитетига илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш самарадорлигини таъминлашга доир фаолиятини қайта қуришга қаратилган бир қанча конкрет чора-тадбирларни

казий Комитети нашриятининг мажлислар залида тўпланган журналистларда алоҳида қизиқиш уйғотди, албатта. В. Н. Севарук жуда кўп саволларга жаовб қайтарди, таъйирланмаётган ҳужжатнинг асосий вазифалари нимагадир иборат бўлишини айтиб ўтди.

Матбуот тўғрисидаги қонун оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таъминлаш, эълон қилиш учун маълумотлар олиш ҳуқуқини, журналистларга нотўғри маълумотлар берганлиги учун жаовбарлигини, ёлғон ахборот тарқатганлиги учун журналистларнинг ўзлари ва матбуот органларининг жаовбарлигини белгилаб бериш керак. Бу факат хизмат соҳасидаги маъмурий жаовбарлик бўлиб қолмай, айна пайтда моддий жаовбарлик ҳам бўлиши кутилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, фактларнинг нотўғрилиги, тўхмат, гражданларнинг хусусий ҳаётини ёзганлиги, одамлар ва ташкилотлар шанига асосий айл қўйганлиги учун жаримлар кўзда тутилди.

Қайта қуриш учун қурашда матбуот ходимларининг хизматлари ҳаммага маълум, КПС Бутуниттифоқ партия конференцияси минбаридан ҳам шу ҳақда гапирилди. Аммо оммавий ахборот воситалари ишидаги нуқсонлар ва ҳатоларни кўрмаслик мумкин эмас. Амалий тақид ўрнига бейзан сафсатабозлик, автордан маса-

ланинг моҳиятини чуқур англаб етишни талаб қилмайдиган ибтидоий фох этишлар содир бўлмоқда. Матбуотда қатнашаётган кишиларда қўлишқа мунозаро маданияти етшмапти. Бу эса авторга фалари нимагадир иборат бўлишини айтиб ўтди.

Матбуот тўғрисидаги қонун оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таъминлаш, эълон қилиш учун маълумотлар олиш ҳуқуқини, журналистларга нотўғри маълумотлар берганлиги учун жаовбарлигини, ёлғон ахборот тарқатганлиги учун журналистларнинг ўзлари ва матбуот органларининг жаовбарлигини белгилаб бериш керак. Бу факат хизмат соҳасидаги маъмурий жаовбарлик бўлиб қолмай, айна пайтда моддий жаовбарлик ҳам бўлиши кутилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, фактларнинг нотўғрилиги, тўхмат, гражданларнинг хусусий ҳаётини ёзганлиги, одамлар ва ташкилотлар шанига асосий айл қўйганлиги учун жаримлар кўзда тутилди.

Қайта қуриш учун қурашда матбуот ходимларининг хизматлари ҳаммага маълум, КПС Бутуниттифоқ партия конференцияси минбаридан ҳам шу ҳақда гапирилди. Аммо оммавий ахборот воситалари ишидаги нуқсонлар ва ҳатоларни кўрмаслик мумкин эмас. Амалий тақид ўрнига бейзан сафсатабозлик, автордан маса-

ланинг моҳиятини чуқур англаб етишни талаб қилмайдиган ибтидоий фох этишлар содир бўлмоқда. Матбуотда қатнашаётган кишиларда қўлишқа мунозаро маданияти етшмапти. Бу эса авторга фалари нимагадир иборат бўлишини айтиб ўтди.

Матбуот тўғрисидаги қонун оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таъминлаш, эълон қилиш учун маълумотлар олиш ҳуқуқини, журналистларга нотўғри маълумотлар берганлиги учун жаовбарлигини, ёлғон ахборот тарқатганлиги учун журналистларнинг ўзлари ва матбуот органларининг жаовбарлигини белгилаб бериш керак. Бу факат хизмат соҳасидаги маъмурий жаовбарлик бўлиб қолмай, айна пайтда моддий жаовбарлик ҳам бўлиши кутилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, фактларнинг нотўғрилиги, тўхмат, гражданларнинг хусусий ҳаётини ёзганлиги, одамлар ва ташкилотлар шанига асосий айл қўйганлиги учун жаримлар кўзда тутилди.

Музейда дарс

СССР халқ рессоми, СССР педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси Б. Немский мактабларда тасвирий санъат дарсларини ташкил этишда ўзига хос программа тузишга муваффақ бўлди. Янгича усул қатор афзалликларга эга бўлиб, ўқувчиларда ижодкорлик қобилиятини ҳамда эстетик туйғунини ўстиришда муҳим ўрин тутди.

Мазкур программа бўйича республикамиздаги қатор мактабларда машғулотлар олиб боришмоқда. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Б. Понтик ҳам бу илгор педагогик методни ўз иш тажрибасида бир неча бор синов кўрди.

Тажрибакор педагог бир неча дарсни Ўзбекистон БСР Давлат санъат музейи залларида ўтказди. Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ педагогик ўқитишлар доирасида уюштирилган машғулот эса жуда мароқли бўлди.

МЕКОНГ ДАРЭСИ СОҲИЛИДАН КЕЛТИРИЛГАН ВИСТАВКА

Тошкентда очилган виставка Лаос Халқ Демократик Республикаси фотоусталари ва хаваскор рессоларининг ижоди, наشريятларининг маҳсулотини билан таништирди. Виставка Ўзбекистонда ЛХДР кўнлари доирасида ўтказилмоқда. Республика рессомлар союзининг кўргазмалар залига икки юздан ортиқ экспонат қўйилган.

Мазкур мамлакат етакчи фотоусталарининг асарлари, шунингдек болалар чиғанганлар тинчлик мавзусига бағишланган. Халқ манзарари — амалий санъати бўлимида ўзига хос бадий ҳунармандчилик бўюмлари бор. Бу ерда қўлда тўқилган бўюмлар ва иппак наштачилик, ёғоч ўймакорлиги, похолдан тўқилган ёдгорлик бўюмлари, илҳам музыка асослари намойиш қилинмоқда.

Лаос нашриятларида босмадан чиқарилган китоблар, буклетлар, газета ва журналлар ЛХДР илм-фани, экономикаси ва маданияти ривожининг асосий босқичлари тўғрисида, халқ хўжалигининг турли тармоқларида совет ва Лаос мутахассисларининг ҳамкорлиги ҳақида ҳикоя қилиди.

(ЎзТАГ).

Кеча Хоразм ва Тошкент областлари пахтакорлари 1988 йил пахта тайёрлаш йиллик планларини республикада биринчи бўлиб бажардилар

Тилда қўшиқ, қўлда соз билан

Пахта — ўзбек халқининг доимий жарангдор ва ўзи қаби энг нафис қўшиғидир. У айниқса, шу кунларда янада баралда бутунгинама негакки, далада бутунгинама матонат майдонига, қизгин жангоҳга айланган. Ҳамманинг фикри-анири бир мақсадга йўналган: уч фасл давомида тер тузиб, не-не машаққатлар билан етиштирилган ҳосил ёгин-сочини кунларга қолмасдан тезроқ йиғиштириб олиншиш керак. Ана шу ниятда ҳозир ўз дастгоҳлари ва ўқув даргоҳларини тарқ этиб, пахтазорда жавлон ураётган ишчи-хизматчи ва студентлар деҳқонга ҳамкору-мададкор бўлишмоқда.

Хал қилувчи мавсум арасида бизнинг М. Қориевнинг филармония бирлашмаси ҳам пахтакорларга маданий хизмат кўрсатиш юзасидан катта тадбирлар программасини ишлаб чиққан эди. Унга кўра жуда кўп санъаткорлар коллективлари Фарғона vodiysi, Хоразм воҳаси ва бошқа

бир қатор область колхоз ва совхозларида бўлишди. Ўзбекистон ССР халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов, республикада хизмат кўрсатган артист Юнус Тўраев ва бошқа бир қатор етук санъаткорлар бошчилигидаги концерт бригадалари Сирдарё областини кезиб, пахтакор ва ҳашарчиларга намунали хизмат кўрсатишмоқда.

Маданий хизмат эстафетасини филармония қопидаги уйғур ашула ва рақс ансамбли хонада ва созаданлар олишди. Шунингдек, яқинда Тошкент Давлат маданият институтининг хушовоз ижрочиларидан иборат бир гуруҳ ёшлар ҳам пахтакорлар ҳузурига кўнаб кетишди.

Коллективимизда бултурги йилда бевостани йиғим-термид ҳам иштирок этишди. Бу йил ҳам биз четда қолмиш ниятида эмасми.

Э. ҚОРИЕВУБОВА, М. Қориевнинг филармония бирлашмаси, музыка бўлимининг ходими.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Томчида — қуёш

Бутун мамлакатимизда революцион қайта қуриш — адолат ва ошқоралик томон йнги бўрилиш: ҳар бир киши, меҳнат коллектив, оила бу ўсиш-ўзгариш, ҳаётдаги йнги бўрилишнинг ўз турли-түрлушида тарозига солиб, мағзини чақити — бу ўй ва мулоҳизага ҳаммаси битта нарсасга бориб тақалляпти: қўш, мен, биз, хонадонимиз шу революцион қайта қуриш жараёнида қандай қатнашамиз, унинг тезроқ амалга ошишига нима билан ҳисса қўшамиз ёки бу катта жараёндан четда туриб қолмаймиз?

Светланадан оёқларида ҳам шу гап. Қўпичча ишдаги баҳс, мунозаралар хонадонда ҳам давом этади, деиғ. Светлананинг нуқтан-назарини ҳаммаша битта ва қатъий: оғизда кўп гапираремиз, амалда ўз ишинида бирон бўрилиш — яхши ўзгариш ясаш керак, вассалом! Агар ҳар бир киши шундай қилса, қайта қуришни дастлаб ўз хонадонидан, коллективидан, районидан, шаҳрида амалга оширишга амалий ҳисса қўшса, дедмак ирмоқлар қўшилиб дарё бўлади. Қўдратли қайта қуриш тўлиқни вужудга келаяди...

50-мактабни битиргач, 127-шаҳар ҳунартехника билим юрти дипломинини олганга ҳам етти йилдан ошибди. Тошкент эксаватор ишлаб чиқариш бирлашмасидагилар

ҳозир С. Кострикованинг ташаббускор ва серғайра қизлардан эканлигини жуда яхши билишди.

Бунинг сабаби бор: биринчидан, унинг ҳозиргига биз айтиб ўтган фазилатлари бўлса, иккинчидан, унинг ишчилар сулоласига содиқлиги!

Ишчилар сулоласи... Бу сулола ҳақиқатан қўпичлик оғизга тушган, ўзини ҳалол ва виждонан меҳнатда кўрсатган, халқ тили билан айтганда ана шу оддий меҳнатдан барака тогган.

Буви Иван шу корхонада «лесарь» бўлиб ишлаган эди. Сўнгра отаси Альберт ҳам узоқ йиллар шу ерда меҳнат қилди. Ҳозир эса онаси қуюв ҳеҳида, ўзи эса кенг истеъмол бўюмлари ҳеҳида ишлапти. Турмуш ўртоғи Валерий эса темирчилик касбини ардоқламақда.

Ҳақиқий ишчилар сулоласи бу. Шундай эмасми? Светлана ўз ишидан мамун. У сулола анъаналарига садоқатини қундалик меҳнатни, фидойилигини билан исботламақда. Томчида қуёш акс этганидек, Светланада бутун сулоланинг ишчи қиёфасини яққол тасаввур этиш мумкин.

Х. ИКРОМОВ.

© СУРАТДА: Светлана Кострикова, Т. Каримов фотоси.



«Оқ олтин» — Батанга!



Бенободлик пахтакорлар бу йил ҳам шаҳарлик ҳашарчиларни кутиб олишди. Пойтахтнинг Киров райони ишчи-хизматчилари Маълонин номли совхозда хирмонларга барака кири тшмоқда.

СУРАТДА: ҳашарчилар пахта теримиди.

Д. Аҳмедов фотоси.

«Тошкент оқшоми»га обуна

чекланмаган



Шу кунларда келгуси йил учун газета ва журналларга обуна қабул қилиш қизгин давом этмоқда. Бироқ редакциямизга келаятган хатлар ҳамма жойда бу оммавий-сиёсий тадбир кўнгилдагидек ташкил этилмаганлигидан гувоҳлик беради. Шу муносабат билан муҳбиримиз Ўзбекистон ССР Алоқа министрининг матбуот тарқатиш бўлими бошлиғи Раиса Ивановна Ютландова билан учрашиб, ундан оқшомхонларни қизқирган айрим саволларига жаовб беришни илтимос қилди.

Самарқанд область, Каттақўрғон шаҳар, Бухоро кўчаси 40-«Б» уйда яшовчи Искандар Розиков шундай деб ёзди: «Мен «Тошкент оқшомининг муҳлисман. Шунинг учун ўтган йили атайин Тошкентга бориб, ўнга обуна бўлгандим. Лекин нима учун сеvimли газетамизга илҳаш жойининг ўзида обуна бўлиш мумкин эмас?»

— Дарҳақиқат, «Тошкент оқшомини» газетаси бугунги кунда нафақат пойтахт шаҳар меҳнатқиларининг, балки республикамиздаги юзлаб турли хил касб эгаларининг сеvimли газетаси бўлиб қолган. Шунинг ҳисобга олиб мана уч йилдирки «Оқшом»га барча областларда чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинмоқда. Мисол учун шу кунгача Андиқон областида 1484, Бухорода — 406, Сирдарёда — 1392, Қораканпоғистон АССРда — 576, Қашқадарёда — 1884, Навоийда — 162, Наманганда — 2289, Самарқандда — 755, Сурхондарёда — 890, Фарғонада — 3543, Тошкент областида — 9851 киши «Тошкент оқшомини»га обуна бўлдилар. Шундай экан, самарқандлик оқшомхон Искандар Розиков ҳам ўларнинг сеvimли газеталарига Каттақўрғон шаҳрининг ўзида ёзилишлари мумкин.

Сирдарё область, Бойвут район «Коммунизм» колхозчи Киров участкасида истиқомат қилувчи Ботир Сариков: «Мен «Тошкент оқшомини»га обуна бўлиш мақсадида район «Союзпечать» бўлими ходимларига учрашган эдим, улар: «Газетани босиб чиқараётган нашриёт пойтахт область ва шаҳридан бошқа районга обуна қилишга рухсат бермайди» деб унашмади. Шу тўғрисида?

— Бойвут район «Союзпечать» агентлиги ходимлари ўз ишларига қисбатан ўта масъулиятсизлик қилдилар. Уларнинг Ботир Сариковга берган жаовблари ўзбечмилкидан бошқа нарса эмас. Ҳеч қайси нашриёт ўзида чоп этилганга газета ва журналларга обуна қилиш масаласи билан шугулланмайдиган. Газетанинг тиражи унинг оммавийлигига қараб белгиланса, уни тарқатиш ва обуна қилиш «Союзпечать» агентликлари ва алоқа бўлимининг вазифасидир. Кези келганда шунинг ҳам айтиш керакки, биз «Тошкент оқшомини» ва «Вечерний Ташкент» газеталарини ҳамда уларнинг рекламалар иловаси бўлган «Ташкентская неделя» ҳафталигини тарқатишга алоҳида эътибор билан қараймиз. Уларга ҳатто қардош республикалардаги миқдорда обуна бўлишнинг мумкин. Чунки ҳар бир киши ўзининг сеvimли нашрини олишга ҳаққи бор.

Тошкент шаҳар, Қораканши массиви — 2/5, 3-уй 18-қаватда яшовчи Осиё Хўжаева шундай деб ёзган: «Навоийда яшовчи сингилим «Тошкент оқшомини»га обуна бўлишда ёрдам сўрагани. Алоқа бўлимига хиксам «Мумкин эмас» деб қайтарилди. Энди нима қилишга ҳайронман, ахир 1 ноябрь ҳам яқинлашиб қолди...»

— Бу ўринда почта ходимлари (афсуски Осиё Хўжаева алоқа бўлимининг номинини кўрсатмабдилар) ҳақ деб уйлайман. Негакки бир киши бошқа одам учун обуна бўлиши ишминини чалқаштириб юборди. Агарда О. Хўжаеванинг сингилиси аввал Тошкентдаги адресга обуна қилиб, кейин уни Навоийга кўчираркан деса бошқа гап эди. Энг яхши, осон ва қулай йўли эса ортиқча оварғаччиликсиз яшаш жойининг ўзида обуна бўлишдир.

Сўхбатни Ф. РАХИМОВ ёзиб олди.

© ЯРОСЛАВЪ.

«Ташаббускорлик, дустлик, ёрдам» — бу. Ярославъ шаҳар комсомол комитети ҳузурида тузилган записдаги ёш жангчилар кўнгилли жамиятининг шириндир. Интернационалист жангчиларнинг катта отряди бу жамиятининг ўзига ташкил этиди. Хизматдан яқиндаги на қайтган кишилар ҳамдустлиги ўз олдига қўйган вазифалар орасида ёшларда Ватанга муҳаббат, интернационал туйғуларни тарбиялаш, ўсмирлар учун спорт клублари ва шаҳарчалари ташкил этиши, ёшлар уй-жой комплексини барпо этиш вазифалари бор. Жамият ҳалок бўлган ўртоқларнинг оилаларига, интернационалист жангчилар ёлгорлиги учун маблағ тушлашга, тинч меҳнат ва ўқига қайтган кишилар қонунда қўзда тутилган имтиёزلардан фойдаланишларига ёрдам беришга алоҳида эътибор қилмоқда. Жамиятнинг бутун иши ҳўжалик ҳисобига асосланган.



Украина ССР. Киевдаги Андрейевский қишлоғида жойлашган қадимий ўқлардан бирида «Кулоллар кооператив» фаолият кўрсатмоқда. Кооператив аъзолари миллий кулолчилик санъатини тиклашга ҳаракат қилишмоқда. Бу ерда нақий ва соғва буюмларини тайёрлашда унутиб юборилган халқ усталарининг усулларидан фойдаланишяпти.

Янги кооператив ўзининг дастлабки қадамларини қўйётганига қарамай, ўнинг буюмлари кивилкилар, бошқа шаҳарлардан келган меҳмонлар ўртасида кенг шўҳрат қозongan.

СУРАТДА: уста Головако миллий украин услубида ясаган кўзача билан.

© ПЕТРОПАВЛОВСК. Шимолий Қозоғистон областы Соколовский райониди Кустовая қишлоғи аҳолиси штатдаги халқ ташувишлар хизматидан воз кечди. Эндиликда халқнинг маҳаллий мактабда ўқитган болалар уйларида етказиб берадилар, улар пионер почтасини ташкил этишди. Иш кўп бўлишига қарамай, почталар оилаларга ҳеч қандай эътироз йўқ. Қишлоқ аҳоли умумий йиғинида ҳалол меҳнат учун миннатдорчилик сифатида болаларга махсус форма тикиб беришга аҳд қилди. Ўсмирлар катта ёшдаги кишиларнинг ўрнини эгаллаб, қишлоқ почталари етишмаслиги каби муаммони ҳал қилишга ёрдам бердилар, оилаларга эса болалар қўшма даромад келтирмоқдалар.



Арманистон ССР. Еревандаги «Люкс» пойфазал фабрикасида иш бошидан бери махсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ялли ўсишига, бу қарийб 10 процентни ташкил этиди, меҳнат умумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Пойфазалчиларнинг иш ҳақи ҳам кўпайди.

Бу коллективнинг ҳўжалик ҳисобиди ишлашга ўтгани сабабидир. Ҳаммаини пировад оқсак натижадан манфавторлигини ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида иш услуби, мароми ва сифатини ўзгартириш имконини берди. Эндиликда бир йил мобайнида фабрикада 350 ил янги пойфазаларни ишлаб чиқариш жорий этиляпти. Янги моделлари жорий этиш ҳам рекорд муудатларда амалга оширилди. Бунинг учун атиги бир ҳафтагина керак.

СУРАТДА: Ереваннинг фирмалли мағзинлари «Люкс» фабрикасининг ана шундай модели пойфазаларини тақдир этишмоқда.

ТАСС фотохроникалари.



Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.
Алишер НАВОИЙ.

Оилада меҳнат тарбияси

Инсон шахсан меҳнат қилмай туриб илгари бора олмайдди, у орқага кетишга мажбур бўлади.

К. Д. Ушинский.

Болаларнинг меҳнатга қатнашуви, меҳнат қилиши уларнинг ахлоқий камол топишида жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам болани ёшлигидан меҳнатга ўқитириб бориш ҳар бир ота-она ва мактаб ўқитувчиларининг муҳим вазифаси бўлиши керак.

Оилада меҳнат тарбияси тўғри йўлга қўйилса, уларда меҳнатга бўлган қизиқиш ёшлиқдан бошланади. Меҳнат қилиш чоғида болалар айрим оғир-енгил ишлар ҳақида, шунингдек ўзлари парварши қилаётган ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида билим-тушуничага эга бўладилар. Меҳнатга ўрганган бола ярамаас ва бефойда ишларга йўлмайди, боланинг диққат-эътибори ортади, чунки ҳар қандай иш болани диққат-эътибор, зийрак-ҳўшёрлигини талаб этади. Улар меҳнат қоидаларига риоя қиладилар бўлади, ўзаро дўстлик алоқалари мустаҳкамланади, жисмоний жиҳатдан чиниқади, бақувват бўлиб етишади. Нетижада улар чаккон, дадил ҳаракат қиладиган бўлиб етишадилар. Ўз ишларидан қувониб, қаноат ҳосил қиладилар. Ўз кучи ва имкониятларига ишонган ҳолда яшайди.

Болаларда меҳнатсеварлик, коллектив бўлиб меҳнат қилиш, кишилар меҳнатини қадрлаш каби фазилатларни тарбиялаш оиладан бошланиб, мактабларда шаклланади. Ҳар бир кишидаги меҳнатсеварлик тўғрисидаги таъсирдор бир куч эмас, у инсоннинг бошқа яхши сифатлари каби маълум шароит, муҳит таъсирида вужудга келади. Биз айтган шароит, муҳитнинг бўлиши-бошлангани асосан оилададир. Чунки бола мактаб ёшигача бочада, оилада тарбия топади. У кўп вақтини оилада ўтказиши билан боланинг оғир-енгил ишлар билан банд бўлиши сабабли уларда дарс таъришлар, ўйнаш, дам олиш учун мутлақо вақтлари етмайди. Аммо, шунга қарамайдан кўпчилик кизларимиз ўқишда ҳам, ишхоналаридаги ишда ҳам ижобий ҳаёл олади.

Меҳнатнинг бизга ўғил болалар ўртасида бу хилда қўйилиши жуда ҳам зарарлидир. Барча ўғилларидан овоз қилиб қўйилган бола онаси, онаси ёки ўзидан кичик синглисининг ўғил ишлари билан банд эканлигини кўриб, эркеклар хотин-қизларга нисбатан ҳуқуқи ортқ, баланд экан, шунинг учун ўғилларнинг ҳаммасини улар бажаришлари керак экан, деган фикрга келадилар. Бунинг зарари қомони шундаки, ўғил болалар ўғил ишларига қарашлига одатланиб, меҳнатни ўзига эл кўрмейдиган ҳаволи бўлиб қолади. Шунинг учун бозордан, гузардан ўғил рўзгорларига керак бўладиган озиқ-овқат ёки уйдаги эркекларга хос бўлган ишларни бажаришда ўғил болалар албатта ота-оналарига, онасинингиларига ёрдам беришлари керак.

Бизда шундай болалар борки, улар ҳамма нарсасида: бошга тўшган кулфатда ҳам, шодликда ҳам, оила рўзгорини тебратишда ҳам бир-бирларига қўмақлашадилар. Бундай оилада ўсган, тарбияланган болалар хотин-қизлардан ўзини устун қўймайди. Ҳар бир оилада болаларни ўз-ўзига хизмат қилишга одатлантириш — меҳнат тарбиясининг энг муҳим омилларидан биридир. Бола

ёшлигидан бошлаб шунга одатланиб бора, у ҳаётда мутлақо қоқилмайди, меҳнатсевар бўлиб етишади. Уларнинг иродаси, ўз кучига ишончини мустаҳкамлайди, бошқаларнинг меҳнатига, айниқса хотин-қизлар меҳнатига ҳурмат билан қарашга одатлантиради.

Н. К. Крупская: «Пальтога тўғма ўтказишни, сут пиширишни, этигини тозалашни билмайдиган... бойваччаларнинг бизга кераги йўқ... Турмушда ва ҳар қандай ишда моҳир қўли бўлган кишилар керак. Меҳнат қувноқ болаликка доғ туширмайди, деган эди. Афсуски айрим ота-оналар ўз фарзандларини бахтли қиламан деб, бахтсиз қилиб қўйганларини сезмай қолдилар. Шунинг учун уларнинг бахтли бўлишини фақат орау қилмасдан, бахт манбаи бўлган меҳнатга, инсонга хос бўлган, ҳалолликка, ростўйликка, ҳалқни, Ватанини ҳурмат қилишга, турмушининг оғир-енгилликларига дош берадиган қилиб тарбиялаш лозим. Айрим ота-оналар юқоридаги каби фикрларга бефарқ қарайдилар, давр талабига эътибор бермайдилар. Ҳар бир кишининг фарзанди ўз бахтини ҳалол меҳнати билан, одамийлик фазилати билан, давлат, халқ хизматига ўзининг жонқуяриги билан, катталарга ҳурмати, кичикларга шайқати билан топади.

Сабон кўчасининг «Маҳалла» проездеда истиқомат қиладиган Т. исмли одамни яхши билмаган (озроқ менга ҳешлиги бўлгани учун исминини, фамилиясини тўлиқ эзмадим). Унинг тўғри ўғил, бир қиз бор. Уйдаги ҳамма: уй сўпуриши, поли ювиш, чангларни артиш, идиш-товуқларни ювиш, чой-нонусталарни тайёрлаш, укаларига қараб туриш каби ишларни битта-ю битта қиз Карима бажаради. Дарс тайёрлашга вақти етмайди, шунинг учун ўқийси яхши эмас, ҳозир еттинчи синфда ўқийди. Яқинда шу хонадонга кўмир келди. Ота-оналар билан онаси пакир, тоғоралаб уни ташлапти. Ўғил болалари эса, қаёққадир шата-лоқ отиб ўйнаб юрибди. Отанинг парвойи палок. Ахир Карима ҳам яхши баҳоларга ўқигиси, ўртоқлари билан ўйнагиси келади, афсуски, унинг вақти етишмайди. Бу оилада тарбия ана шундай бир ёқлама ва ёмон олиб борилади.

Сабон кўчасининг 23-туғида яшайдиган Абдураҳим Каримов деган қўшнингнинг икки ўғил, икки қиз бор. Ўй-рўзгорда қилинадиган ҳамма юмушлар уларнинг ёшига қараб тақсимланган. Агар қизларнинг вақти етишмай қолса, ҳовли-кўчаларни сўпуриш, сув сепиш каби ишларни Абдураҳим, Абдужабборлар бажаравериши.

Ота бошлиқ бозордан, магазиндан ўй-рўзгор учун керакли нарсаларни харид қилганда ўғиллари кўтариб келиш билан, уларни жой-жойига жойлаштирилади, ота-оналарнинг қўлини урдирмай кўмирларни ташиб олади, йиларни ўзлари ремонт қилишди, даректларни бутади, сув қуяди. Ўғил болалар томонидан қилинадиган ишларни ота бошлиқ бажарилиши, қиз болалар қилинадиган юмушларини ота бошлиқ қилиши билан бажарилиши жуда завқли ва унумли бўлади. Кейинроқ бориб бу каби ишларни ота-онаси ўғил-қизларнинг ўзлари мустақил равишда бажарадиган бўлиб қоладилар.

Фарзандларнинг мустақил бажарётган ишларини ота-оналар кузатиб, уларни рағбатлантириб бориши ҳам яхши натижа беради. Болаларга тўғри тарбия бериб, уларни меҳнатга қобилиятли қилиб тарбиялаб, қариган чоғларида ҳўзур-халоватини кўраётган ота-оналаримизни бизда беҳисоб.

Ота-оналарнинг муҳим вазифаларидан бири — ўғил болани ҳам, қиз болани ҳам ёшлиқдан бошлаб ўй-рўзгордаги қўлидан келадиган ишларга жалб қилиб, меҳнатга тоблашлари керак. Шундай қилганимиздагина биз оилада меҳнат тарбиясини тўғри йўлга қўйган бўламиз.

Фахриддин НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси,
шахсий пенсионер.

маҳалда маст ҳолда келадиган бўлди. Эри уни неча бор қойиб, инсофга чақирди, аммо ҳеч қачон хотинига қўл кўтармади, нонъя сўзлар билан ҳақорат ҳам қилмади.

Бир кунни худди шундай аҳволда келган хотинини қўриб қийай олмаган Шарифжон қўзининг онангачи бошлаб келди. Лекин шу кунгача қўзининг ганини бир пулга олмаддан. «Қўсангиз-чи, хотин киши ҳам шунча ичарганим», деб унинг озгина қолқоқ қилиб юрган она қизини бу аҳволда кўргач ҳайрон ҳам бўлади.

Турмуш чорраҳаларида

Эрини хўрлаган хотин

исмли қиз билан турмуш қурганларига 15 йил ҳам бўлибди, ҳар кун оилада жанжал. Бунга сабаб, эрининг камҳаржлиги, кам топиб-тутиши туфайли. Бир қиз, бир ўғил воғва ҳам етай деб қилибди-ки, ҳозирги кунгача уларнинг жанжалли борган сари катталашди кетавери. Хотин эса эрини халигага «Яланг-оёқ, қўрумсоқ» каби қуракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлайди. Бу кунга келиб йигит меҳнатдан бахтини топиб, машина олди, хотинини билан бирга ота-онамдан бўлак бўлсам яхши яшармиз, деб кооператив уйга кўчди. Шунда ҳам жанжал тутамди, аксинча жанжал авж олди.

Охири, Шокиржон асаб касалига йўлиқди. Қўнларнинг бирида қизнинг амакиси ҳам қийай олмай, кўвега очикдан-очик: «Бу хотиндан ажралинг, агар шу аҳволда ана яшамоқчи бўлсангиз, ўзингизни янбўд қиласиз», — дедди.

Кейинги пайтларда Муаттар яна бир «қилиқ» чиқарди. Кечалари алла

мабди, гўё худди шундай бўлиши керакдир!

